O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 17-IYUL ■ SHANBA ■ 85 (27.260) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ШОҲИ ЗИНДА ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИДА ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий меъморчилигимизнинг ноёб дурдонаси — Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлигининг Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Шоҳи Зинда жамоатчилик фондини (бундан кейин «Фонд» деб юритилади) тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин. Фонд Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориладиган даврда фаолият юритиши белгилаб қўйилсин.

Фонднинг Васийлик кенгаши таркиби ҳамда унинг ижрочи дирекцияси тузилмаси маъқуллансин. Васийлик кенгаши бир ой муддатда ижрочи дирекция раҳбарияти ва ходимлари таркибини тасдиқласин ҳамда у ўз вазифасини бажаришга киришсин. Мажмуада амалга ошириладиган ишларни бошқариш ва мувофиқлаштириш вазифаси Фонд ижрочи дирекцияси зиммасига юкланиши қайд этилсин.

2. Қуйидагилар Фонднинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгилансин:

— ноёб тарихий-меъморий иншоот ва муқаддас қадамжо ҳисобланган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш;

— мазкур мўътабар маскannинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш;

— ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

— диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса, ёшларни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг буюк меросидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фондни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Фонд маблағлари Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, ҳукуматга қарашли ва ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар, хорижий фуқароларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил топади;

Фондга тушадиган маблағлар солиққа тортилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

(Давоми 2-бетда.)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

16 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралдаги мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилишига бағишланган мажлиси бўлди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берган устувор вазифаларни қаётга кенг жорий этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ўзининг самараларини бераётгани таъкидланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш йўли изчил ва аниқ йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатларига эришилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллиги сезиларли даражада ошди. Олти ой ичида мамлакатимизда илк бор ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз ўсиши таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу даври даражасига нисбатан 1,6 баравар, яъни 3,8 фоиз кўп, деганидир. Бундай юқори кўрсаткичга аввало саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар кўпайиши эвазига эришилди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,6 фоиз ўсди. Транспорт ва алоқа соҳасида 7,6 фоиз, қишлоқ хўжалигида 10,4 фоиз юксалиш қайд этилди. Бу йилги ҳосилдан бошоқли дон экинларининг давлат хариди ҳажми бажарилди.


Иқтисодиётнинг жадал ўсиши давлат молияси, пул муомаласи тизими ва ташқи савдо секторининг мувозанатланиши билан уйғунликда кечди. Бу, ўз галида, умумий макроиқтисодий барқарорлик таъминланиши ва олтин-валюта заҳираларимиз янада кўпайиши учун муҳим омил бўлди.

Ташқи савдо айланмаси 24,5 фоиз, экспортнинг ялпи ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 25,2 фоиз кўпайди. Ташқи савдо балансида 689,1 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Пул-кредит сиёсати инфляция жараёнларини чеклаш ҳамда миллий валютамизнинг алмашув курсини барқарорлаштиришни таъминлашга қаратилди. Иқтисодий ўсиш ва инфляциянинг пасайиши аҳоли реал даромадларининг ўсишини таъминлади. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич 16,7 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда.)

ҒАЛАБА БИЛАН, РУСТАМ, ҒАЛАБА БИЛАН, ЎЗБЕКИСТОН!



Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси дунёнинг турли мамлакатларидаги кўпсонли шахмат мухлислари, мутахассислар, журналистлар ҳамда мамлакатимиз дўстлари томонидан юксак олқиш-эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу ҳақда шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига келаётган табрик мактублари, хориж матбуотидаги шарҳлар шаҳодат бермоқда.

«Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Россия олимпия қўмитаси (РОҚ) ва шахсан ўз номимдан ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича FIDE жаҳон чемпионатидаги ғалабаси билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз. Шахмат ўйини Шарқда кашф этилган ва бинобарин, Ўзбекистон вакилининг бундай улкан натижага эришгани рамзий маънога эгадир, — деб ёзади РОҚ президенти Леонид Тягачев. — Бу спортни ривожлантиришдаги давлат ғамхўрлиги, шахсан Сизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашда кўрсатаётган раҳнамолигингиз самарасидир.

Бир вақтлар мен меҳмондўст ўзбек заминида фаолият кўрсатиш имконига эга бўлганман, ўзбек халқининг ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётганидан яхши бохабарман. Ишончим комилки, Афинада бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари юксак натижаларни қўлга киритишади. Бугун сизни шахмат бўйича жаҳон чемпионатидаги ғалаба билан табрикламоқдамиз, эртага эса Олимпия ўйинларидаги ғалабалар учун қутловлар қабул этасиз».

«Вашингтон пост» газетаси шарҳловчиси, таниқли шахматчи Любомир Кавалек Рустам Қосимжонов мусобақанинг сўнгги босқичларида «ҳайратомуз ва бешафқат» ўйин намойиш этганини эътироф этиб, унга «мустаҳкам позицион услубга эга ва рақибига қарши шиддатли ҳужум уюштиришга қодир гроссмейстер», деб таъриф берган.

Ўзбек шахматчиси сўнгги йилларда ўз маҳоратини ошираётган Германиядан келган мактубда «Германия — Ўзбекистон — Германия» жамияти раиси Элизабет Мочман «Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатидаги ғалабаси бутун бир мамлакатнинг муваффақиятидир», деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Президенти ва янги жаҳон чемпионини Исроил ҳукумати вазири Натан Шаранский ҳам самимий қутлаб, ўз табригини қуйидагича ифодалаган: **«Мен шахматни юксак қадрловчи инсон ва ажойиб мамлакатингизнинг азалий дўсти сифатида сизлар билан бирга шодман ва фахр туйғусига тўламан. Шахмат қадимий ва ҳамиша навқирон ўйин сифатида қадимий ва ҳамиша навқирон ўзбек заминида иккинчи ҳаётга эга бўлди. Рустамнинг ажойиб ғалабаси — бу ўзбек халқига доимо шуҳрат келтирган битмас-тугамас ақлий ва маънавий салоҳиятнинг яна бир исботидир».**

Бугун кечқурун Рустам Тошкентга қайтиб келади. Уни она юрт дийдори, қадрдон ҳамюртларининг қизғин олқишлари кутмоқда.

«Жаҳон» АА

ГРОССМЕЙСТЕРЛАР РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ҲАҚИДА

Гарри КАСПАРОВ (Россия), собиқ жаҳон чемпиони:

— Мен Рустам Қосимжоновнинг истеъдодига доимо ҳурмат билан қарайман. Илгари эътироф этганимдек, нокаут тизимидаги жаҳон чемпионатида бугунги кунда у тенгсиз гроссмейстер. Айниқса, тай-брейк баҳсларида айни чоғда Рустамга муносиб қаршилик кўрсатадиган шоҳмотчи дунёда йўқ.

Вишванатан АНАНД (Ҳиндистон), 2001 йилги жаҳон чемпиони:

— Рустам жуда маҳорат ва ақл билан ўйнади. Украин гроссмейстери Иванчук мағлубиятга учрагач, «Чуки»нинг ўзи ҳам унинг иқтидорига тан беришдан бошқа чора тополмади. Рустамнинг айниқса, россиялик шоҳмот устаси Александр Гришчукни тезкор шоҳмот партияларидан иборат тай-брейкда ниҳоятда чиройли комбинациялар билан ютганини кўриб яйраб кетдим. Рустамнинг барча тай-брейклардан унумли фойдаланганлигини кузатиб, пўлатдек мустаҳкам асабларига тан бердим.

Александр ХАЛИФМАН (Россия), 1999 йилги жаҳон чемпионати ғолиби:

— Қосимжонов сўзсиз иқтидорли йигит. У билан бир неча йил муқаддам Вейк-ан-Зее турнирида учрашгандик. Ўша вақтдаёқ унинг ноёб истеъдод соҳиби эканлигини сезгандим. Рустамнинг жаҳон чемпионлигини қўлга киритиши тасодиф эмас. У жаҳоннинг супергроссмейстерлари Иванчук, Гришчук, Топалов ҳамда Адамслар билан ўтган учрашувларда ўзининг нималарга қодир эканлиги кўрсатиб берди.

Майкл АДАМС (Англия), Рустам Қосимжоновнинг финалдаги рақиби:

— Ўзбек гроссмейстери билан илгари Вейк-ан-Зее турнирида учрашиб, барча партияларни дуранг билан якунлагандик. Финалдан олдин ҳам бу сафарги партияларимизни дуранг билан тугатмаслик учун жиддий ҳозирлик кўрдим. Афсуски, якунда бунинг уддасидан чиқа олмадим ва пировардида мени чўчитган ҳол юз берди. Тай-брейкда Рустам қайсидир жиҳатлари билан мендан устунлигини намоён эта олди. Ўзбек гроссмейстери бир сўз билан айтганда, дунёда ягона «Тай-брейк қироли»га айланиб улгурди. Уни жаҳон чемпионлиги унвони билан табриклайман.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ:

1. **Вильгельм СТЕЙНИЦ** (Австрия) — **1866-1894 йиллар**
2. **Эмануил ЛАСКЕР** (Германия) — **1894-1921 йиллар**
3. **Хосе Раул КАПАБЛАНКА** (Куба) — **1921-1927 йиллар**
4. **Александр АЛЁХИН** (собиқ СССР) — **1927-1935 йиллар**
5. **Макс ЭЙВЕ** (Голландия) — **1935-1937 йиллар**
6. **Александр АЛЁХИН** (собиқ СССР) — **1937-1944 йиллар**
7. **Михаил БОТВИННИК** (собиқ СССР) — **1948-1957 йиллар**
8. **Василий СМИСЛОВ** (собиқ СССР) — **1957-1958 йиллар**
9. **Михаил БОТВИННИК** (собиқ СССР) — **1958-1960 йиллар**
10. **Михаил ТАЛЬ** (собиқ СССР) — **1960-1961 йиллар**
11. **Михаил БОТВИННИК** (собиқ СССР) — **1961-1963 йиллар**
12. **Тигран ПЕТРОСЯН** (собиқ СССР) — **1963-1969 йиллар**
13. **Борис СПАССКИЙ** (собиқ СССР) — **1969-1972 йиллар**
14. **Роберт ФИШЕР** (АҚШ) — **1972-1975 йиллар**
15. **Анатолий КАРПОВ** (собиқ СССР) — **1975-1985 йиллар**
16. **Гарри КАСПАРОВ** (собиқ СССР) — **1985-1993 йиллар**
17. **Анатолий КАРПОВ** (Россия) — **1993-1999 йиллар**
18. **Александр ХАЛИФМАН** (Россия) — **1999-2001 йиллар**
19. **Вишванатан АНАНД** (Ҳиндистон) — **2001-2002 йиллар**
20. **Руслан ПОНОМАРЁВ** (Украина) — **2002-2004 йиллар**
21. **Рустам ҚОСИМЖОНОВ** (Ўзбекистон) — **2004-...**



Қосимжоновнинг юриш ҳолатлари

МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ҚАД РОСТЛАДИ

Наманган шаҳрининг шимолий томондаги энг баҳаво 7 гектарли боғ қўйнида вилоят ҳокими ташаббуси билан Меҳрибонлик уйи фойдаланишга топширилди.

Ўқув ва амалий ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратилган. Бу ерда тарбияланувчилар учун махсус турар-жой биносининг пойдевори қўйилгани ҳақидаги хабар иштирокчиларни беҳад хурсанд қилди.

Тақдимот маросимига йиғилганларни Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев, Республика Бош прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи Норбой Бобоев, «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармасининг ижрочи директори Жавлон Эгамбердиев, вилоят ҳокими Тўлқин Жабборовлар янги кошона билан муборакбод этдилар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

1997 йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқараётган «Гурлан» акциядорлик жамиятида бугун 1200 нафар гурланлик йигит-қизлар ишлаяпти. Бу ерда пахта толасидан калава ип тайёрлаш, сўнг ундан мато тўқиш ва бўяш ҳамда элликдан зиёд турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Айни пайтда ҳар учала цех ҳам бир маромда ишлаб турибди ва ўтган беш ойда жами 154 миллион 952 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шу маҳсулот экспортга жўнатилди. Ёки аҳил жамоа оз эмас, кўп эмас 36 миллион сўмлик фойда олди.

— Маҳсулотларимизга талаб юқори, — дейди корхона раҳбарининг муовини Абдулла Давлетов. — Чунки, Италия технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакларимиз сифатли, бежирим ва пишиқлиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

Суратларда: тикув цехи илғор ишчиси Динора Юсупова; цехда янги иш куни; тайёр маҳсулот





Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ШОҲИ ЗИНДА ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИДА ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш учун Фондга 2004 йилда 300,0 млн. сўм маблағ ажратсин ҳамда тасдиқланган давлат бюджети кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

2005 йилги давлат бюджетида мажмуада юқорида кўрсатилган ишларни давом эттириш учун Фондга тегишли маблағлар ажратишни режалаштирсин.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг бу хайрли ишга жорий йилда 50,0 млн. сўм ва кейинги йилларда 100,0 млн. сўм миқдорида маблағ ажратиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

6. Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун Фонд ягона буюртмачи бўлиши белгилаб қўйилсин.

7. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Фондни бино билан таъминласин.

8. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасини қайта тиклаш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, бу ердаги обидалар тарихини ўрганиш ишларини олиб боришда Фондга доимий ёрдам кўрсатсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда Фондга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлигига республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2004 йил 16 июль

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг хусусийлаштириш жараёнини ва иқтисодиётдаги хусусий секторнинг ролини кучайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш каби муҳим иқтисодий соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор фармонлари негизида янги механизмларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши бу соҳаларда ижобий ўзгаришлар кафолати бўлаётгани қайд этилди.

Ярим йилликда хусусийлаштириш суръатлари жадаллашди. Устав фондларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари сони икки баравар қисқарди. 1132 давлат корхонаси, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлар хусусийлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда икки баравар кўпдир.

Қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш тизими такомиллаштирилмоқда. Тендер савдоларидан фақат бюджет буюртмалари бўйича олинган шартли иқтисодий самара 8,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил якунларига бағишланган мажлисда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизимининг нуқсон ва иллатларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, бу тизимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини батафсил кўрсатиб берган эди. Ўтган даврда Юртбошимизнинг ана шу кўрсатмалари асосида маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш доирасида муайян юмушлар бажарилди. Жумладан, давлат ва хўжалик бошқарувининг 32 органи бўйича қарорлар қабул қилинди. Бошқарув ходимлари қарийб 40 минг кишига қисқарди. Юқори ликвидли ресурсларнинг 21 тури бўйича тақсимлаш тизими тугатилди ва уларни биржа савдолари, аукционлар ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиш механизми жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда иқтисодиётнинг муайян йўналишларидаги мавжуд муаммолар жиддий танқид қилинди. Айрим ҳудудларда давлат активларини инвестиция мажбуриятлари остида бепул беришни таъминлаш билан боғлиқ ташкилий ишлар зарур даражада йўлга қўйилмаган. Баъзи вилоятларда хусусийлаштириш дастури топшириқлари бажарилмаётир.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида фаолият кўрсатиши кўзда тутилган қатор корхоналар томонидан ўтган даврда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича белгиланган ҳажмлар бажарилиши таъминланмади. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан оқилона, мақсадли ва самарали фойдаланилмаяпти. Уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари қониқарсиз амалга оширилмоқда. 2004-2005 йил кузқиш даврига тайёргарлик борасида ҳам жиддий ишлар бажарилиши тақозо этилади.

Иқтисодий-ижтимоий ва демократик янгиланишлар йўлига ғов-тўсиқ бўлаётган бундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди. Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришни кўзда тутувчи энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада юксалтириш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мажлисда «Меҳр ва мурувват йили» дастури, Президентимизнинг Республика Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид, мактаб таълимини янада ривожлантиришга қаратилган фармонлари ҳамда улар ижросини таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Ў.Султонов ва Р.Файзуллаев, давлат мулки қўмитаси раиси М.Асқаров, республика товар-хомашё биржаси раиси Т.Тўхтабоев, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси Ғ.Иброҳимов, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси Ш.Умаров, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори Ў.Холмуҳамедов, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раиси Э.Шоисматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

ИЖРОИЯ БЮРО МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгашининг ижроия бюросида Қорақалпоғистон республикасининг шаҳар ва туманларидаги бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунлари муҳокама қилинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида республика, шаҳар ва туманлар партия кенгашлари аъзолари, Ўзбекистон ХДПдан сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этдилар. Бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларида ҳисобда турган 47 минг 454 аъзодан 40 минг 557 аъзо йиғилишларда қатнашди.

Партия аъзоларининг фаоллиги ва ташаббускорлиги ислоҳотларни чуқурлаштиришда, халқ хўжалигини ривожлантиришда, аҳолининг турмушини, экологик муҳитни яхшилашда, ўсмирлар, болаларни Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч, меҳнатни севиш, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, поклик руҳида тарбиялашда кўриняпти.

Ижроия бюро йиғилишида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бир қатор бошланғич партия ташкилотларида ўз вақтида ўтмаганлиги, айрим ҳолларда Ўзбекистон ХДП аъзоларининг ташаббускорлиги, фаоллиги суст бўлганлиги, юқори партия органлари қарорларининг бошланғич партия ташкилотларига ўз вақтида етиб бормаётганлиги, партия марказий нашрларига обуна уюшқоқлик билан ташкил этилмаганлиги ва бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаганлиги танқид қилинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави (янги таҳрири) лойиҳасини партия аъзолари деярли маъқуллаб, ўзларининг баъзи фикр-мулоҳазаларини билдирганликлари таъкидланди.

Ижроия бюро мажлисида 2004 йилнинг биринчи яримида Ўзбекистон ХДП сафини муносиб аъзолар билан ўстириш, аъзолик бадалларини йиғиш ва молиявий хўжалик ишларининг бугунги аҳволи хусусидаги масала ҳам кўрилди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ҲАР ЧОРШАНБА УЧРАШАМИЗ»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши томонидан тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳи қизиқарли бир тадбирни йўлга қўйди. Гуруҳ ҳар ҳафтанинг чоршанба куни бирор туманда бўлиб, спорт мусобақалари, ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказа бошлади.

Илк шундай тадбир Хонқа туманида бўлиб ўтди. Шу куни Хонқа шаҳарчаси марказидаги Хожихон Болтаев номли ёшлар хиёбони ҳам, марказий ўйингоҳ ҳам ҳар қачонгидан гавжум бўлди.

Аввалида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Урганч шаҳар бўлими қошида тузилган футбол жамоаси билан Хонқа тумани ёшлари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Ёш футболчиларга туман ҳокимлиги, партия ташкилоти томонидан совғалар топширилди.

Ёшлар хиёбонида туман ёшлари билан ўтказилган учрашувда туман ҳокими Ш.Болтаев, партия вилоят кенгаши биринчи котиби Р.Сабуров ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда болалар спортига эътибор хусусида, партиянинг ёшлар орасига тобора кенгроқ кириб бораётгани ҳақида сўзладилар.

Маълумки, Меҳр-мурувват йили муносабати билан партиямиз бир қатор савобли ишларни амалга оширмоқда. Мазкур маросимда тумандаги «Хоразм» ширкат хўжалигида яшовчи болаликдан ногирон тўқиз яшар Рустамжонга ногиронлик аравачаси топширилди.

Ёшлар билан самимий учрашув сўнггида бир гуруҳ ёшларга партия билетлари тантанали равишда топширилди.

Учрашувда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Урганч шаҳри бўлими қошидаги «Камолот» гуруҳи ёш хонандалари концерт дастурини намойиш этдилар.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕК САНЪАТИНИНГ ГРЕЦИЯДАГИ ЭЪТИРОФИ

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Грециянинг Пирея шаҳрида ўтган жаҳон халқлари маданияти фестивалида ўзбек халқ фольклори, қўшиқ ва рақси, қўғирчоқбозлик, масхарабозлик, дорбозлик ва кураш санъатини, шунингдек, халқ ҳунармандчилиги намуналарини намойиш этувчи махсус дастур билан қатнашди.

— Фестиваль баҳонасида миллий санъатимизнинг гўзал нафосати дунёнинг хоҳлаган чеккасида хорижликларни мафтун этишга қодирлигини яна бир бор ҳис этдик, — дейди «Олтин мерос» жамғармаси ижрочи директори Насибахон Усмонова. — Дастурларимиз намойиши томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шу боис фестиваль ташкилотчилари — ЮНЕСКО ва Пирея шаҳри маъмурияти «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини диплом ва ЮНЕСКО медаллари билан тақдирлади.

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг Грециядаги консульхонаси ва Греция ҳукумати билан ҳамкорликда шу йил августда бўладиган Олимпия ўйинлари пайтида ҳам мамлакатимиз санъаткорларининг спорт байрами меҳмонларига юртимиз санъатини намойиш этишини режалаштирмоқдалар.

Озода ХАЛИМОВА

ОБОД ГУЗАР БУНЁД ЭТИЛДИ

Таклиф нуроний кексалардан чиқди, ёшлар қўллашди. Тадбиркорлар белни маҳкам боғлашди. Оқибати қутлуғ бўлди: Чироқчи туманидаги Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида обод гузар бунёд этилди.

Асосий харажатларни Салим Жўраев номли ширкат хўжалиги кўтарди. Чунки хўжаликнинг иқтисоди бақувват. 2002 йилда 125, ўтган йили эса 80 миллион сўм соф фойда олишган эди. 10 миллион сўм маблағ сарфлаб, эски клуб биносини болалар спорт залига айлантиришди, қишлоқларга газ қувурлари тортилмоқда. Ширкат раиси Жомурод Пирназаровнинг айтишича, бу йил охирида қишлоқларни ободонлаштиришга ҳам катта маблағ ажратилади. Илло, режалар амалга ошсин!

Юнус УЗОҚОВ

«Ғалла — 2004»

ОМБОРЛАР ТЎЛМОҚДА ЎЗ ДОНИМИЗГА!


Мамлакатимиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан қуйидаги мазмунда ахборот олинди:

«...Бугунгача юртимиз ғаллазорларидан 4 миллион 460 минг тоннага яқин ҳосил йиғиб олинди. Бунинг 2 миллион 143 минг тоннадан зиёдроғи давлат омборларига тўкилди. Давлатга сотилган дондан ортиқча ҳосил ширкат ва фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилди...

Қорақалпоғистон Республикаси ва деярли барча вилоятлар белгиланган режани ортиғи билан уддаладилар... Ҳосилдорлик аксарият меҳнат жамоаларида гектар бошига ўртача 40-45 центнердан бўлди. Илғор хўжаликларда бу кўрсаткич 65-70 центнергача етди. Ғалла экилган 1 миллион 300 минг гектардан кўпроқ майдонларнинг ҳали ҳаммаси батамом ўриб олинганича йўқ. Ўрим-йиғим давом этмоқда...»

Ўз моҳият эътиборига кўра, бу қадар катта хирмонни ўтган асрнинг 90-йилларида, яъни мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган миллий дастурни амалга оширишга киришган пайтларимизда фақат ва фақат орзу қилардик. Қиёс учун бир мисол: 1990-1991 йилларда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 940 минг тонна ғалла етиштирилган (ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 17 центнердан) бўлса, сўнгги 2002-2004 йилларга келиб бу кўрсаткичлар 5-5,5 баробар ўсди.





М. АМИН (ЎзА) олган суратлар

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Қибрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳида шу кунга қадар ўн минглаб фарзандларимиз хордиқ чиқарган.

— Бу йилги мавсумда 1700 нафар болалар ёзни мароқли ўтказишади, — дейди оромгоҳ раҳбари Боситхон Зиёвуддинов. — «Тошкент» минтақавий темир йўл тармоғи ҳудудий касаба уюшмасига қарашли мазкур оромгоҳда дам олиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу ерда Қўғирчоқ театри, кутубхона, тиббиёт хизмати фаолият юритмоқда. Шунингдек, концерт дастурлари, бадиий кечалар, қизиқарли ўйинлар ва спорт мусобақаларининг тез-тез уюштирилиши мазмунли дам олиш имконини беради.

Оромгоҳда дам олаётган 600 нафар бола 22 та отрядга бўлинган. Ҳар бир отряд ўз етакчисига ва тарбиячисига эга. Бу борада жамоага Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабалари кўмак бермоқда.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ

✧✧✧

Суратларда: ўзаро ижодий танлов; Мухлиса Носирова стол тенниси мусобақасида.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Норин туман партия кенгаши туман марказий шифохонаси билан ҳамкорликда қатор тадбирларни ўтказмоқда. Маргиво қишлоқ врачлик пунктида ўтказилган тадбирда бугунги сиёсий жараёнлар ва сайлов қонунчилиги ҳақида суҳбат бўлиб ўтди ва 6 нафар шифокорга партияга аъзолик билетлари топширилди.

• • •

Наманган туман партия кенгаши томонидан «Меҳр ва мурувват йили» дастури асосида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда кенгаш масъул ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда тарғибот гуруҳи аъзолари сайловлар билан боғлиқ мавзуларда суҳбатлар ўтказишмоқда.

• • •

ХДП Қорақўл туман кенгаши биринчи котиби Файзулло Бебутов «Тошкент» ширкат хўжалиги жамоаси билан учрашди. Котиб туман партия ташкилотларининг олиб бораётган ишлари, сайловлар муносабати билан амалга оширилиши керак бўлган устувор вазифалари ва партиянинг Устави (янги таҳрирдаги) лойиҳасига киритилиши кўзда тутилган янгиликлар тўғрисида тўхталиб ўтди, учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

• • •

ХДП Бухоро туман кенгашининг ижроия бюро йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Бухоромахсуссувдренаж» ОТҲЖ бошланғич партия ташкилотининг ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, туман партия ташкилотининг бўлиб ўтган конференцияси қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги вазифалар муҳокама этилди.

• • •

Шофиркон тумани ижтимоий таъминот ва меҳнат, бандлик бўлими бошланғич партия ташкилотининг очиқ партия мажлиси ўтказилди. Мажлис якунида туман партия кенгаши биринчи котиби А.Асадов янги қабул қилинган 10 нафар ХДП аъзосларига партия билетларини топширди.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Аввало, ушбу кон ва шу кон сабаб барпо этилган Қўйтош шаҳарчаси ҳақида. Қўйтош кони Нурота тоғ тизмасининг Ғаллаорол тумани ҳудудидан ўтган қисмида жойлашган. Олимларнинг айтишларича, унинг пайдо бўлиши полизей эраси даврларига тўғри келармиш. Ўгатсойдаги шахта атрофларидан III ва IV асрларда қазилган жойлар, тош болта, тош болға, тош пона сингари иш қуролларининг топилгани ҳам коннинг тарихи олис ўтмишга бориб тақалишидан далолат беради. Тарихчиларнинг эътироф этишларига қараганда, Амур Темир ва унинг невараси Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган даврларда бу ерлардан қора бўёқ олиш учун марганец, оқ бўёқ учун қўрғошин ва рух, яшил ҳамда қизғиш бўёқ учун эса мис олиб кетилган. Эҳтимол, бу бўёқлар Самарқанд шаҳрига асрлар бўйи кўрк ва салобат бағишлаб турган мовий гумбазларнинг нилий кошинларига сайқал бериш учун ишлатилган бўлса не ажаб...

Кон атрофидаги Толлисой, Қаршисой, Угатсой, Чуқурсой, Саврукскй сингари анча қия сойликлар тоғ рельефини хийла парчалаб туради. Тоғ ён бағирларида ўркач-ўркач сланец қатламлари, қум-тошлар, гранит ва кварцли жинслар қалашиб ётибди. Дастлаб академик Ҳабиб Абдуллаев, сўнгра академик Иброҳим Ҳамрабоев бошчилигидаги бир гуруҳ геолог олимларимиз томонидан ўтган асрнинг йигирманчи ва ўттизинчи йилларида ўтказилган геология-қидирув ишлари натижасида бу ерларда вольфрам, молибден, волластанит, гранит, висмут, қалайи, руҳ, кадмий, симоб, кварц, оҳактош, кварцит (қумтош), дала шпати сингари кўплаб фойдали бойликларнинг катта-катта заҳиралари борлиги аниқланган. 1936 йилдан бошлаб кичик-кичик артеллар ташкил қилиниб, руда қазиб олишга киришилган. Кекса кончиларнинг ҳикоя қилишларича, эллигинчи йилларга қадар шахталарда «лампа чироқ» ёруғида, бурғу ва молоток (болға)лар ёрдамида қўлда руда қазиб олинган ҳамда белкуракларда ортилиб, замбилу ғалтакларда ташилган. Вагонларни эса шахтадан елкаларда итариб чиқишга тўғри келган. Фақат эллигинчи йиллардан кейингина ҳаво босими остида ишлайдиган махсус руда ортиш агрегатлари, рудани бир жойдан иккинчи жойга суриш механизмлари, замонавий кончилик ускуналари, дизелли двигателлар, махсус ёритгичлар, янги техникалар билан ишлашга ўтилдики, бу, иш унумини кескин ошириш, кончилар соғлигини муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашга хизмат қилди.

Қўйтош кони конлар мажмуи сифатида 1943 йилнинг июнидан фаолият кўрсата бошлаган. Дастлабки йилларда 70-80 киши ишлаб, йилига 80-100 тонна вольфрам концентрати олинган бўлса, кейинчалик ишчилар сони 800-900 кишига етди ва ҳар йили 900-1000 тонна вольфрам, кўплаб гранит, дала шпати, кварц, оҳактош, волластанит, қумтош ва бошқа турдаги қазилма бойликлар олинадиган бўлди.

Қазиб олинаётган ва концентрат ҳолига келтирилаётган бойликлар, уларнинг ишлатилиши, хоссалари ҳақида тажрибали мутахассис, узоқ йиллар кон мажмуаси директорининг муовини бўлиб ишлаган Равшан Муминов шундай дейди:

— Вольфрам иссиқликка ўта бардошли бўлгани учун асосан қурол-яроғлар, космик техникалар, зирхли механизмлар, ёритгич ва иситгич мосламалари ясашда, қолаверса, халқ хўжалигининг бошқа кўпгина тармоқларида ишлатилади. Волластанит ҳам ноёб хомашё бўлиб, у 1500-1600 даража иссиқда ҳам ўз хоссаларини ўзгартирмайди. Уни шифер, ацбест қувурлари, чинни буюмлар тайёрлайдиган хомашё ва автомобиль ишлаб чиқарадиган металл қоришмаларга қўшилса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг чидамлилик даражаси 4-5 баравар ортади. Гранит — ялтироқ ва қаттиқ тош кўринишида бўлиб, у асосан бино ҳамда иншоотларни безашда ишлатилади. Ундан безакли, ялтироқ ва силлиқ плиталар ҳам тайёрлаш мумкин. Кварц эса чинни, лак-бўёқ, шиша ва биллур идишлар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун муҳим хомашё. Тайёрлаётган цементимизга охра қўшмасак, унинг оддий лойдан фарқи қолмайди. Оҳактошни эса ҳамма билади. Дала шпати аралаштирилса, ғиштлар ва девор плиталарнинг мустаҳкамлиги 2-3 баравар ошади. Кўриб турганингиздай, Қўйтош заминидан олинаётган барча элементлар мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур ва ғоят фойдали...

1

ҚЎЙТОШ КОНИ:

Энди асосан кончилар ва уларнинг оила аъзолари истиқомат қилаётган Қўйтош шаҳарчасига келсак, урушгача бу ерда саноқлигина уй-жойлар бўлганлигини айтишади. Эллигинчи йилларга келиб қўрғон кенгайди ва у бутунлай қайта қурилди. Чиройли, замонавий бинолар қад ростлади, кўчалар, боғ-роғлар бунёд этилди, мактаблар, болалар боғчалари, кончилар Маданият саройи, дўконлар, ошхона-ю, кутубхоналар қурилди. Кейинчалик кўргонга шаҳарча мақоми берилди. Етмишинчи йилларга келганда бу ерда ўн минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилган. Уларнинг орасида 15 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бўлган. Ҳозир шаҳарчанинг 6000 нафар аҳолиси бор ва улар еттита маҳаллада яшайдилар. У денгиз сатҳидан анчагина баландда жойлашган. Бу эса табиатига, иқлимига сезиларли даражада таъсир қилади, қиши илиқ, ёзи салқин келади. Ҳозир 120 ўринли шифохона, битта қишлоқ врачлик пункти, учта мактаб, битта лицей, битта болалар боғчаси, кутубхона, «Халқ банки» шахобчаси, Маданият уйи, спорт зали, стадион, почта-алоқа бўлими, бозор, дўкон, ошхона, тегирмон, сартарошхона, соатсозлик ва пойафзал тузатиш устахоналари аҳоли хизматида. Табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотида муаммо йўқ.

Шу тариқа кон қўйтошликлар учун, қўйтошликлар эса кон учун хизмат қилаётган ишлар ҳам биноийдай кетаётгандай эди. Бошқача қилиб айтганда, одамлар кон деганда Қўйтошни, Қўйтош деганда конни тушуниб қолишганди. Қолаверса, ҳали бу ерларда хилма-хил ерости ва ерусти қазилма бойликларининг каттакатта заҳиралари ҳам мавжуд эдики, кончилар ва уларнинг оилаларининг кон тақдиридан, демакки, ўзларининг фарзандларининг эртанги кунидан кўнгиллари тўқ эди. Афсуски, саратонда қор ёққандай кутилмаган ҳол юз берди. Вилоят хўжалик судининг шу йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан Қўйтош кони банкрот деб эълон қилинди.

Тўғри, бу ўринда биз суд қарорини тўғри ёки нотўғри, ўринли ёхуд ўринсиз дейиш, бу ҳақда бирон-бир фикр билдириш ва ўзимизча хулоса чиқариш ниятида эмасмиз. Лекин холисонилло айтганда, ҳақли савол пайдо бўлмайдими: шундай катта корхона нега бугун банкротликка юз тутди ва у қандай қилиб инқироз ҳолатига тушиб қолди?

Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши табиий. Биров у дейди, биров бу. Лекин узоқ йиллар давомида конда ишлаб келган ва айни пайтда нафақага чиққан ёки ишсиз қолган оддий ишчилар, парламентлар, мутахассисларнинг фикрларига қулоқ тутсангиз «манзара» ойдинлашгандай бўлади:

2

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ДЕҲҚОН ҲАМ, ФЕРМЕР ҲАМ ХУРСАНД

АТ «ПАХТАБАНК» ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИБРАТЛИ ИШЛАР ТАЪРИФИ

Республика акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»и мамлакат қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга ўз тизимини бозор муносабатлари талаблари асосида ислоҳ қилиб боришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Натижада, кейинги йилларда банкнинг вилоят бошқармалари ва туман бўлимларида қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда улар билан доимий ҳамкорликда фаолият юритаётган сервис хизмати ва таъминот ташкилотларига замонавий банк хизмати кўрсатиш тамойиллари такомиллашди.

Банкнинг йирик бўлимларидан бири бўлган Хоразм вилоят бошқармаси кейинги вақтларда ўзининг капитал маблағлар базасини анча кенгайтириб, асосий эътиборни корхона ва аҳолининг бўш маблағларини жалб этиш асосида иқтисодиётнинг аниқ тармоқларини кредитлашни рағбатлантиришга қаратмоқда. Бошқарма 7760 та хўжалик субъектлари, шу жумладан, 122 та ширкат ва 3848 та фермер хўжаликлари ҳамда 2021 та кичик бизнес субъектлари, 170 дан зиёд саноат, қурилиш, транспорт, савдо корхоналари ва 964 та бошқа ташкилотларга малакали банк хизмати кўрсатмоқда. Таққослаш учун шуни айтиш жоизки, мижозлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1762 тага, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари 1276 тага, кичик бизнес субъектлари эса 383 тага кўпайди.

Бошқарма ходимлари аҳолининг бўш маблағларини банк омонатлари ва муддатли депозитларга жалб этишнинг иккала томон учун ҳам иқтисодий манфаатли усулларини жорий этмоқдалар. Натижада омонатчилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Бугунги кунга келиб омонатчилар сони 41200 нафардан ошди. Аҳоли жамғармалари ҳисоб рақамларига жалб этилган жами маблағлар шу йил 1 июль ҳолатига 937,9 миллион сўмга етди. Бу 2003 йилнинг шу давридагига нисбатан 398,3 миллион, йил бошидагига нисбатан эса 219,4 миллион сўм кўпдир.

Банкнинг вилоят қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, хусусан ғалла ва пахта етиштириш билан банд бўлган дала механизаторларининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш мақсадида амалга ошираётган тадбирлари диққатга сазовор. Туман бўлимларида қишлоқ хўжалик ходимлари учун 31200 дан зиёд омонат ҳисоб рақамлари очилди ва ана шу ҳисоб рақамларга 240,1 миллион сўм ўтказиб берилди. Ғалла ўрими ва ғўза парвариши қизғин паллага кирган кунларда дала ишлари билан банд ходимларнинг туман марказларига қатнаб, қимматли вақтларини йўқотмасликлари учун бўлим ходимлари улар ҳузурига ўзлари бориб, банк операцияларини жойида амалга оширмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари, ширкат ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларига банк хизмати кўрсатиш янада осон, қулай бўлиши учун жойларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 21 та мини-банк очилганди. Кейинчалик бевосита бошқарма ташаббуси билан яна шундай 9 та банк шахобчаси ташкил этилди. Бугунги кунда деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият юритаётган аҳоли пунктларида жами 30 та мини-банк уларга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг ҳаммаси тармоққа оид юқори малакага эга ходимлар, компьютерлар, принтер, модем каби замонавий техника воситалари телефон алоқалари билан таъминланган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш тамойилларини такомиллаштириш чора-тадбирларига қаратилган қарори ижросини таъминлаш бошқарма жамоасининг кундалик диққат марказида турибди. Бошқарманинг туман ва шаҳар бўлимлари ғалла бўйича шартнома тузган 72 та фермер хўжалигига 26169 минг сўм, пахтачилик бўйича эса 1516 та фермер хўжалигига 2425802 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратди. Шу билан бирга бу маблағлар ҳаракати юзасидан мониторинг ўтказилиб, уларнинг хўжаликлар томонидан аниқ мақсадларга белгиланган сарф меъёрлари назорат қилинмоқда. Масалан, 2004 йилги ғалла ҳосили учун бўнак сифатида 207,7 миллион сўм, пахта ҳосили учун (босқичма-босқич) жами 10032 миллион сўм транш маблағлари етказиб берилиб, улар харажати мунтазам кузатиб борилди.

Шунингдек, ўзаро ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилишини молиявий таъминлаш борасида комбайнчилар, юк машиналари ва транспорт тракторлари ҳайдовчилари ҳамда ўрим-йиғимга жалб этилган барча ишчи-хизматчиларга (ғалла қиймати ва экин майдонлари учун белгиланган қоидаларга кўра) нақд пул ва омонат ҳисоб варақларини очиш орқали ҳақ тўлаб борилди. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларнинг вақтида ўтказилиши батартиб йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, бу ишларнинг ҳаммаси республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 апрелдаги **«2004 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори ижросига банк бошқармаси жамоасининг амалий жавоби бўлди.

Яна бир жиҳат: қишлоқ хўжалиги корхоналари, хусусан, фермер хўжаликлари ва улар етиштираётган маҳсулотларни қайта ишловчи, хизмат ҳамда таъминотчи ташкилотларга малакали банк хизмати кўрсатишнинг такомиллашиб бораётгани банк фаолиятини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири — соф кредит қўйилмалари миқдорининг барқарор ортиб боришини тўла таъминлаяпти. Масалан, вилоят бошқармасининг соф кредит қўйилмалари шу йил 1 июль ҳолатига кўра 8344,5 миллион сўмни ташкил этганди. Бу — йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 3110,7 миллион сўм кўп. Банк даромадлари ўсиши ҳам шунга мутаносиб. Чунончи, шу йил 1 июль ҳолати учун тасдиқланган бюджет даромади режаси 1015883 минг сўм белгиланган бўлса, амалда у 1051723 минг сўмга (яъни 62842 минг сўм ортиғи билан) бажарилди.

Бошқарма ва унинг туман бўлимлари ҳадемай бошланиб қолгуси пахта йиғим-терими мавсумида ҳам унинг барча иш жараёнлари ва иштирокчиларини нақд пул билан таъминлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ

ИШЧИЛАР НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШМОҚДА

Германиянинг Daimler Chrysler автомобиль ишлаб чиқариш корпорацияси ишчиларидан 80 минг нафари корпорация тарихида биринчи марта энг йирик норозилик намойиши ўтказмоқдалар. Норозилик корпорация раҳбариятининг харажатларни камайтириш режасига қарши қаратилган. Die Welt агентлиги хабар беришича, Daimler Chrysler харажатларни 500 миллион еврога қисқартириш учун яқин кунларда ишлаб чиқаришни Зиндельфинг ва Берлин шаҳарларидан Бремен ва Жанубий Африка Республикасига кўчирмоқчи.

XORIJDA

ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИ

Газетанинг аввалги сонида Аргентина, Чили, Перу, Бразилия ва Парагвайда ҳаво ўта совиб кетганлиги, Ҳиндистон ва Бангладешда эса давомли шаррос ёмғирлар натижасида сув тошқинлари юз берганлиги ва бунинг оқибатида одамлар нобуд бўлганлиги ҳақида ёзилган эди. Табиатнинг бундай инжиқликлари Японияда, Тожикистон, Украина ва ҳатто Пенсильванияда ҳам, қисқаси, дунёнинг кўплаб минтақаларида кузатилмоқда. Жумладан, Тожикистонда жала ёғиши оқибатида ичимлик сувлари ифлосланганлиги боис Душанбе шаҳрида икки кунлик фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бу ҳақда шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи Гураз Азимов «Новости» агентлигига хабар берди.

Шаррос ёмғир натижасида Варзаб тоғи дарасида кўчки юз берган ва лойқа Варзаб сув омборига келиб қўшилиб, ичимлик сувини ифлослантирган. Маълумки, Душанбе аҳолиси шу сув омборидан сув ичади.

Душанбе шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерали Раҳматуллаевнинг айтишича, тиббиётчилар ич терлама, вабо ва бошқа ичак касалликлари тарқалишига қарши чоралар кўришмоқда.

Япония шимолида кучли жала ёғиши сув тошқинини келтириб чиқарди. Натижада 8 киши ҳаётдан кўз юмди. Ниигата ва Фукусима префектураларида 18 минг оила хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозир дарёлар сувларга тўлиб-тошган. Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассислари яна жала ёғиши мумкинлигини айтмоқдалар.

Украинада эса 249 та аҳоли пункти жала оқибатида электр энергиясиз қолди. Шу кунларда 225 та аҳоли пункти электр энергияси билан таъминланди. Харьков ва Кировоград вилоятларида тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Новоукраинск туманида 7 км. масофадаги темир йўлни сел олиб кетган. Херсон вилоятида эса сизот сувлари кўтарилиб кетгани боис 626 та уйни сув босган. Тернополь, Черновицк ва Ивано-Франковск вилоятларида кучли шамол ва дўлдан 5,4 мингта уйнинг томи ишдан чиқди.

Ҳиндистоннинг Бихар штатидаги дарёлар ёмғирдан тошиб, қутуриб оқмоқда. Ҳатто битта кема чўкиб кетди. Натижада 50 кишидан 25 нафари ҳалок бўлди. 15 нафари қутқарилди, 10 нафари эса қидирилмоқда. Умуман Жанубий-шарқий Осиёда сўнгги 1 ойда юз берган сув тошқинлари оқибатида 374 киши ҳаётдан кўз юмди.

Associated Press агентлиги хабар беришича, Пенсильваниядаги кучли бўрондан 12 киши жабрланди. Ҳозир улардан бирининг аҳволи оғир.

АҚШ ғарбида душанбадан буён об-ҳаво инжиқликлари кузатилмоқда. Кучли ёмғир ва шамол юзлаб уйларнинг томларини бузиб, дарахтларни кўпориб ташлади. Электр таъминотида узилишлар рўй берди. Самолётлар парвози эса ноқулай об-ҳаво сабабли қолдирилмоқда.

Ҳа, XXI асрда — ривожланган техника-технология, ғафаккур асрида яшаётган бўлишимизга қарамай табиат кучлари олдида одамзот барибир ожизлик қилмоқда.

Шахноза ҲАМИДОВА тайёрлади

ПРЕЗИДЕНТНИ СУД ҚИЛИШ ҚОЛДИРИЛДИ

Вильнюс округ суди Литванинг собиқ экс-президенти Роландас Паксас ишини кўриб чиқишни бошлаган эди. Бироқ гувоҳлар тўлиқ қатнашмади. Атиги 6 нафар гувоҳгина кўрсатма берди. Қолган гувоҳлар — Литванинг Испаниядаги ҳозирги элчиси, давлат хавфсизлиги департаментининг собиқ раҳбари Мечис Лауринкус, шунингдек, собиқ Президентнинг собиқ ёрдамчилари Римигиюс Ачас ва Альгирдас Норкислар суд мажлисига келмадилар. Шунинг учун суд мажлиси икки ойдан ортиқ вақтга қолдирилди.

Паксас сайловолди кампаниясида ўзининг бош ҳомийси, тадбиркор Юрий Борисов фаолияти давлат махсус хизмати томонидан кузатилаётгани ва телефон сўзлашувлари эшитилаётгани борасида уни огоҳлантирганликда, яъни давлат сирини ошкор этганликда айбланмоқда.

Бу ишни кўриб чиқиш учун уч судьядан иборат комиссия тузилган.

Литва сейми шу йил 6 апрелда Паксасга импичмент эълон қилиб, лавозимдан бўшатган эди. 30 апрелда эса Литва Жиноят кодексининг 125-моддаси 1-қисми билан Паксасга нисбатан айблов эълон қилинди ва тергов-суриштирув ишлари бошланди. Йиғилган материаллар 6 том (1272 бет)га етди.

Elta агентлигининг маълум қилишича, агар суд Паксасни айбдор деб топса, у юқори лавозимларга сайланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Унга нисбатан катта миқдорда жарима қўлланилиши ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Ҳурматли йўловчилар!

Тошкент — Шовот (Урганч) — Тошкент

йўналиши бўйича янги йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Янги поездда купе ва СВ вагонлари бўлиб, улар кондиционерлар билан жиҳозланган. Поезд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб, Амударё устидан қурилган янги кўприкдан ўтади ва йўловчиларнинг йўлда бўлган вақтини сезиларли қисқартиради ҳамда темир йўл чиптаси баҳосини камайтиради.

Тошкент — Шовот йўналиши бўйича йўл ҳақи баҳоси:

- *умумий вагонда — 4 671 сўм;*
- *плацкарт вагонида — 9 034 сўм;*
- *купе вагонида — 14 796 сўм;*
- *СВ вагонида — 29 671 сўм.*

Темир йўл чиптаси баҳоси 2004 йил 22 июнь ҳолатига кўра ҳисобланган. Валюталарнинг сўмга нисбатан курси ҳар ҳафтада ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чипталар баҳоси ҳам ўзгаради.

Йўналиш жадвали	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
№56 Тошкент — Шовот	душанба, 17.15	сешанба, 13.20
№56 Шовот — Тошкент	сешанба, 14.25	чоршанба, 10.25



«Ўзтемирйўлйўловчи» маъмурияти

Хизматлар лицензияланган

НЕГА БАНКРОТЛИК ЮЗ БЕРДИ?

ЁКИ НОЁБ ВА ҚИММАТБАҲО ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАРГА, УЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛАДИГАН ЗАРУР ТЕХНИКА-Ю МЕХАНИЗМЛАРГА,МАЛАКАЛИ КОНЧИ-МУТАХАССИСЛАР ҲАМДА МУКАММАЛ ИНФРАТУЗИЛМАГА ЭГА БЎЛГАН КОННИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИНҚИРОЗГА УЧРАГАНИ ҲАҚИДА

— Кон раҳбарларининг тез-тез алмаштирилиши, бу соҳадан йироқ кишиларнинг директор этиб тайинланиши ишнинг орқага кетишига асосий сабаб бўлди, — дейди ўттиз саккиз йил пармаловчи бўлиб меҳнат қилган Ўроз бобо Ҳайдаров. — Бунинг оқибатида тартиб-интизом издан чиқди, талон-торожлик авж олди.

— Бошлиқлар келиб кетаверишди-ю, аммо коннинг иши, кончиларнинг ҳаёти билан қизиқадиганлари кам бўлди, — дейди қирқ йилдан кўпроқ конда ишлаган 81 ёшли Муродим ота Сафаров. — Бир мисол: 1947-1952 йилларда конда директор бўлиб ишлаган Николай Барминни қўйтошликлар ҳали-ҳануз ҳурмат билан эслашади. У киши Қўйтошнинг обод бўлишида, коннинг гуллаб-яшнашида кўп хизмат қилди. 1995-2002 йилларда конга раҳбарлик қилган Сафарбой Искандаров эса унинг акси эди. Бу даврда кондаги ишларга путур етди, бор нарсалар ҳам йўқ бўлди. Шахталарни сув босиб, захлади, қулаганлари ҳам учради. Вагонеткалар, механизмлар, дизеллар қаёққадир ғойиб бўлди. Катта-катта цехлар харобага айланди.

— 1994 йилнинг 18 мартидан бошлаб ҳукумат қарори билан вольфрам қазиб олиш тўхтатилди, — деб ҳикоя қилади охирги йилларда конда бош муҳандис бўлиб ишлаган Эркин Раҳмонов. — Қароргa кўра, кондаги руда қазиб олиш ва концентрат ажратиш жараёнларини қимматбаҳо саноат хомашёси — волластанит қазиб олиш, уни майдалаш, қайта ишлашга мослаштириш зарур эди. Бу борадаги ишлар бошланишга бошланди-ю, лекин охирига етказилмади. Хусусан, 1997 йилда Миллий банкдан 4 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олиниб, махсус фабрика қурилишига киришилди. Сўнг волластанитга харидор топилмади, деган сабаб билан қурилиш тўхтатиб қўйилди. Бу орада Россия ва Украинадан 1 миллион 200 минг АҚШ долларига олиб келинган қимматбаҳо асбоб-ускуналар ҳам изсиз йўқолди. Фабрикадаги 330 миллион сўмга баҳарилган қурилиш-монтаж ишларининг бугунги аҳволини кўриб ачинасан киши. Янги, ҳали ишга тушмаган бинолар бузилиб, ўпирилиб ётибди.

— Энг ёмони шундаки, — деб унинг сўзини давом эттиради узоқ йиллар конда пармаловчи бўлиб хизмат қилган Ҳикматилла бобо Пармонов, — айни шу даврларда конда раҳбар бўлган Сафарбой Искандаров бугун худди ҳеч нарса бўлмагандай бемалол юрибди. Ахир, у ўзи бош бўлган йилларда корхонада содир бўлган ножўя, эҳтимол, ноқонуний ишлар учун тегишли тартибда жавоб бермайдими?

— 2002 йилда жамоамизга Жиззахдан юборилган Акмал Мамажонов деган киши етакчилик қилди, — дейди ишчи Болқибой Караманов. — Бу даврда корхонамизнинг қарзлари янаям кўпайди ва 800 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Рельслар, кабеллар, металл конструкциялар, швеллерлар, компрессорлар, автоюклагич ва автомашиналаргача сотилди. Кимга сотилди, нега сотилди, пули нимага ишлатилди, очиғи, хабаримиз йўқ...

Ва ниҳоят ҳукумат комиссияси тавсияси билан 2002 йил октябрь ойида Қўйтош кони санацияга тортилди ва 24 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилди. Ташқи бошқарувчи этиб Анвар Ражабов тасдиқланди. Афсуски, яна ишонч оқланмади, берилган сўнгги имкониятдан ҳам фойдаланилмади. Санация давридаги тўққиз ойлик қилинган ишлар таҳлили бу нарсани кўрсатди. Тасдиқланган бизнес режага асосан бу даврда 110 минг тонна ўрнига 18,3 тонна оҳра, 7 минг тонна ўрнига 247,4 тонна дала шпати, 1 минг тонна ўрнига 328,3 тонна кварцит рудаси ишлаб чиқарилди. Натижада тўққиз ойда руда сотишдан мўлжалланган 960 миллион сўм ўрнига 100,8 миллион сўм кирим бўлган. Ёки бу ишлардан корхона белгиланган 169,3 миллион сўм фойда ўрнига 85,4 миллион сўм зарар кўрган. Ишчи-хизматчиларга иш ҳақи берилмаган. Конда ишлаб, нафақага чиққан 33 киши товон пулини ололмаган. Корхона гарданида иш ҳақининг ўзидан бугун 103 миллион сўм қарздорлик турибди. Миллий банкдан олинган кредитнинг 2,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қарз қисмини тўлаш ҳам амри маҳол бўлиб қолаяпти. Тўққиз ойлик ташқи бошқарув пайтида корхонанинг қарзи 164 миллион сўмга ўсди. Бунақароларинки-чи? Фуқаролар йиғинидан бизга берилган маълумотга қараганда, айни пайтда бу ерда 2300 нафар ишга яроқли ёки ишлайман, тоғни урсам талқон қиламан, деган одамлар яшаяпти. Ҳар бирининг оиласи, фарзандлари бор. Уларни боқиш, кийинтириш, ўқитиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган қилиб ўстириш керак. Ишлайин деса, иш йўқ. Кўчиб кетай деса, уйжой муаммоси, дегандай...

— Нимасини айтай, — дейди умрининг энг навқирон даврларини конда ишлаб ўтказган Пулат ота Жангиров. — Не-не норғул йигитларимиз, қўлидан иш келадиган кончиларимиз бошқа шаҳарларга кўчиб кетишаяпти. Шахтада бошлиқ бўлиб ишлаган малакали мутахассис Ҳакимбой Сафаров бугун Ангренда, тажрибали пармаловчи Раҳматулла Ашуров Навоийда, тог-кон саноати муҳандиси Мўмин Бегимқулов Олмалиқда, шахта ишлари устаси Муротқосим Чаққонов Зарафшонда ишбосари Шерали Раҳматуллаевнинг айтишича, тиббиётчилар ич терлама, вабо ва бошқа ичак касалликлари тарқалишига қарши чоралар кўришмоқда.

Япония шимолида кучли жала ёғиши сув тошқинини келтириб чиқарди. Натижада 8 киши ҳаётдан кўз юмди. Ниигата ва Фукусима префектураларида 18 минг оила хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозир дарёлар сувларга тўлиб-тошган. Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассислари яна жала ёғиши мумкинлигини айтмоқдалар.

Украинада эса 249 та аҳоли пункти жала оқибатида электр энергиясиз қолди. Шу кунларда 225 та аҳоли пункти электр энергияси билан таъминланди. Харьков ва Кировоград вилоятларида тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Новоукраинск туманида 7 км. масофадаги темир йўлни сел олиб кетган. Херсон вилоятида эса сизот сувлари кўтарилиб кетгани боис 626 та уйни сув босган. Тернополь, Черновицк ва Ивано-Франковск вилоятларида кучли шамол ва дўлдан 5,4 мингта уйнинг томи ишдан чиқди.

Ҳиндистоннинг Бихар штатидаги дарёлар ёмғирдан тошиб, қутуриб оқмоқда. Ҳатто битта кема чўкиб кетди. Натижада 50 кишидан 25 нафари ҳалок бўлди. 15 нафари қутқарилди, 10 нафари эса қидирилмоқда. Умуман Жанубий-шарқий Осиёда сўнгги 1 ойда юз берган сув тошқинлари оқибатида 374 киши ҳаётдан кўз юмди.

Associated Press агентлиги хабар беришича, Пенсильваниядаги кучли бўрондан 12 киши жабрланди. Ҳозир улардан бирининг аҳволи оғир.

АҚШ ғарбида душанбадан буён об-ҳаво инжиқликлари кузатилмоқда. Кучли ёмғир ва шамол юзлаб уйларнинг томларини бузиб, дарахтларни кўпориб ташлади. Электр таъминотида узилишлар рўй берди. Самолётлар парвози эса ноқулай об-ҳаво сабабли қолдирилмоқда.

Ҳа, XXI асрда — ривожланган техника-технология, ғафаккур асрида яшаётган бўлишимизга қарамай табиат кучлари олдида одамзот барибир ожизлик қилмоқда.

Шахноза ҲАМИДОВА тайёрлади

ПРЕЗИДЕНТНИ СУД ҚИЛИШ ҚОЛДИРИЛДИ

Вильнюс округ суди Литванинг собиқ экс-президенти Роландас Паксас ишини кўриб чиқишни бошлаган эди. Бироқ гувоҳлар тўлиқ қатнашмади. Атиги 6 нафар гувоҳгина кўрсатма берди. Қолган гувоҳлар — Литванинг Испаниядаги ҳозирги элчиси, давлат хавфсизлиги департаментининг собиқ раҳбари Мечис Лауринкус, шунингдек, собиқ Президентнинг собиқ ёрдамчилари Римигиюс Ачас ва Альгирдас Норкислар суд мажлисига келмадилар. Шунинг учун суд мажлиси икки ойдан ортиқ вақтга қолдирилди.

Паксас сайловолди кампаниясида ўзининг бош ҳомийси, тадбиркор Юрий Борисов фаолияти давлат махсус хизмати томонидан кузатилаётгани ва телефон сўзлашувлари эшитилаётгани борасида уни огоҳлантирганликда, яъни давлат сирини ошкор этганликда айбланмоқда.

Бу ишни кўриб чиқиш учун уч судьядан иборат комиссия тузилган.

Литва сейми шу йил 6 апрелда Паксасга импичмент эълон қилиб, лавозимдан бўшатган эди. 30 апрелда эса Литва Жиноят кодексининг 125-моддаси 1-қисми билан Паксасга нисбатан айблов эълон қилинди ва тергов-суриштирув ишлари бошланди. Йиғилган материаллар 6 том (1272 бет)га етди.

Elta агентлигининг маълум қилишича, агар суд Паксасни айбдор деб топса, у юқори лавозимларга сайланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Унга нисбатан катта миқдорда жарима қўлланилиши ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

3

Республика акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»и мамлакат қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга ўз тизимини бозор муносабатлари талаблари асосида ислоҳ қилиб боришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Натижада, кейинги йилларда банкнинг вилоят бошқармалари ва туман бўлимларида қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда улар билан доимий ҳамкорликда фаолият юритаётган сервис хизмати ва таъминот ташкилотларига замонавий банк хизмати кўрсатиш тамойиллари такомиллашди.

Банкнинг йирик бўлимларидан бири бўлган Хоразм вилоят бошқармаси кейинги вақтларда ўзининг капитал маблағлар базасини анча кенгайтириб, асосий эътиборни корхона ва аҳолининг бўш маблағларини жалб этиш асосида иқтисодиётнинг аниқ тармоқларини кредитлашни рағбатлантиришга қаратмоқда. Бошқарма 7760 та хўжалик субъектлари, шу жумладан, 122 та ширкат ва 3848 та фермер хўжаликлари ҳамда 2021 та кичик бизнес субъектлари, 170 дан зиёд саноат, қурилиш, транспорт, савдо корхоналари ва 964 та бошқа ташкилотларга малакали банк хизмати кўрсатмоқда. Таққослаш учун шуни айтиш жоизки, мижозлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1762 тага, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари 1276 тага, кичик бизнес субъектлари эса 383 тага кўпайди.

Бошқарма ходимлари аҳолининг бўш маблағларини банк омонатлари ва муддатли депозитларга жалб этишнинг иккала томон учун ҳам иқтисодий манфаатли усулларини жорий этмоқдалар. Натижада омонатчилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Бугунги кунга келиб омонатчилар сони 41200 нафардан ошди. Аҳоли жамғармалари ҳисоб рақамларига жалб этилган жами маблағлар шу йил 1 июль ҳолатига 937,9 миллион сўмга етди. Бу 2003 йилнинг шу давридагига нисбатан 398,3 миллион, йил бошидагига нисбатан эса 219,4 миллион сўм кўпдир.

Банкнинг вилоят қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, хусусан ғалла ва пахта етиштириш билан банд бўлган дала механизаторларининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш мақсадида амалга ошираётган тадбирлари диққатга сазовор. Туман бўлимларида қишлоқ хўжалик ходимлари учун 31200 дан зиёд омонат ҳисоб рақамлари очилди ва ана шу ҳисоб рақамларга 240,1 миллион сўм ўтказиб берилди. Ғалла ўрими ва ғўза парвариши қизғин паллага кирган кунларда дала ишлари билан банд ходимларнинг туман марказларига қатнаб, қимматли вақтларини йўқотмасликлари учун бўлим ходимлари улар ҳузурига ўзлари бориб, банк операцияларини жойида амалга оширмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари, ширкат ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларига банк хизмати кўрсатиш янада осон, қулай бўлиши учун жойларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 21 та мини-банк очилганди. Кейинчалик бевосита бошқарма ташаббуси билан яна шундай 9 та банк шахобчаси ташкил этилди. Бугунги кунда деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият юритаётган аҳоли пунктларида жами 30 та мини-банк уларга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг ҳаммаси тармоққа оид юқори малакага эга ходимлар, компьютерлар, принтер, модем каби замонавий техника воситалари телефон алоқалари билан таъминланган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш тамойилларини такомиллаштириш чора-тадбирларига қаратилган қарори ижросини таъминлаш бошқарма жамоасининг кундалик диққат марказида турибди. Бошқарманинг туман ва шаҳар бўлимлари ғалла бўйича шартнома тузган 72 та фермер хўжалигига 26169 минг сўм, пахтачилик бўйича эса 1516 та фермер хўжалигига 2425802 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратди. Шу билан бирга бу маблағлар ҳаракати юзасидан мониторинг ўтказилиб, уларнинг хўжаликлар томонидан аниқ мақсадларга белгиланган сарф меъёрлари назорат қилинмоқда. Масалан, 2004 йилги ғалла ҳосили учун бўнак сифатида 207,7 миллион сўм, пахта ҳосили учун (босқичма-босқич) жами 10032 миллион сўм транш маблағлари етказиб берилиб, улар харажати мунтазам кузатиб борилди.

Шунингдек, ўзаро ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилишини молиявий таъминлаш борасида комбайнчилар, юк машиналари ва транспорт тракторлари ҳайдовчилари ҳамда ўрим-йиғимга жалб этилган барча ишчи-хизматчиларга (ғалла қиймати ва экин майдонлари учун белгиланган қоидаларга кўра) нақд пул ва омонат ҳисоб варақларини очиш орқали ҳақ тўлаб борилди. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларнинг вақтида ўтказилиши батартиб йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, бу ишларнинг ҳаммаси республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 апрелдаги **«2004 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори ижросига банк бошқармаси жамоасининг амалий жавоби бўлди.

Яна бир жиҳат: қишлоқ хўжалиги корхоналари, хусусан, фермер хўжаликлари ва улар етиштираётган маҳсулотларни қайта ишловчи, хизмат ҳамда таъминотчи ташкилотларга малакали банк хизмати кўрсатишнинг такомиллашиб бораётгани банк фаолиятини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири — соф кредит қўйилмалари миқдорининг барқарор ортиб боришини тўла таъминлаяпти. Масалан, вилоят бошқармасининг соф кредит қўйилмалари шу йил 1 июль ҳолатига кўра 8344,5 миллион сўмни ташкил этганди. Бу — йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 3110,7 миллион сўм кўп. Банк даромадлари ўсиши ҳам шунга мутаносиб. Чунончи, шу йил 1 июль ҳолати учун тасдиқланган бюджет даромади режаси 1015883 минг сўм белгиланган бўлса, амалда у 1051723 минг сўмга (яъни 62842 минг сўм ортиғи билан) бажарилди.

Бошқарма ва унинг туман бўлимлари ҳадемай бошланиб қолгуси пахта йиғим-терими мавсумида ҳам унинг барча иш жараёнлари ва иштирокчиларини нақд пул билан таъминлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ

4

Газетанинг аввалги сонида Аргентина, Чили, Перу, Бразилия ва Парагвайда ҳаво ўта совиб кетганлиги, Ҳиндистон ва Бангладешда эса давомли шаррос ёмғирлар натижасида сув тошқинлари юз берганлиги ва бунинг оқибатида одамлар нобуд бўлганлиги ҳақида ёзилган эди. Табиатнинг бундай инжиқликлари Японияда, Тожикистон, Украина ва ҳатто Пенсильванияда ҳам, қисқаси, дунёнинг кўплаб минтақаларида кузатилмоқда. Жумладан, Тожикистонда жала ёғиши оқибатида ичимлик сувлари ифлосланганлиги боис Душанбе шаҳрида икки кунлик фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бу ҳақда шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи Гураз Азимов «Новости» агентлигига хабар берди.

Шаррос ёмғир натижасида Варзаб тоғи дарасида кўчки юз берган ва лойқа Варзаб сув омборига келиб қўшилиб, ичимлик сувини ифлослантирган. Маълумки, Душанбе аҳолиси шу сув омборидан сув ичади.

Душанбе шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерали Раҳматуллаевнинг айтишича, тиббиётчилар ич терлама, вабо ва бошқа ичак касалликлари тарқалишига қарши чоралар кўришмоқда.

Япония шимолида кучли жала ёғиши сув тошқинини келтириб чиқарди. Натижада 8 киши ҳаётдан кўз юмди. Ниигата ва Фукусима префектураларида 18 минг оила хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозир дарёлар сувларга тўлиб-тошган. Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассислари яна жала ёғиши мумкинлигини айтмоқдалар.

Украинада эса 249 та аҳоли пункти жала оқибатида электр энергиясиз қолди. Шу кунларда 225 та аҳоли пункти электр энергияси билан таъминланди. Харьков ва Кировоград вилоятларида тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Новоукраинск туманида 7 км. масофадаги темир йўлни сел олиб кетган. Херсон вилоятида эса сизот сувлари кўтарилиб кетгани боис 626 та уйни сув босган. Тернополь, Черновицк ва Ивано-Франковск вилоятларида кучли шамол ва дўлдан 5,4 мингта уйнинг томи ишдан чиқди.

Ҳиндистоннинг Бихар штатидаги дарёлар ёмғирдан тошиб, қутуриб оқмоқда. Ҳатто битта кема чўкиб кетди. Натижада 50 кишидан 25 нафари ҳалок бўлди. 15 нафари қутқарилди, 10 нафари эса қидирилмоқда. Умуман Жанубий-шарқий Осиёда сўнгги 1 ойда юз берган сув тошқинлари оқибатида 374 киши ҳаётдан кўз юмди.

Associated Press агентлиги хабар беришича, Пенсильваниядаги кучли бўрондан 12 киши жабрланди. Ҳозир улардан бирининг аҳволи оғир.

АҚШ ғарбида душанбадан буён об-ҳаво инжиқликлари кузатилмоқда. Кучли ёмғир ва шамол юзлаб уйларнинг томларини бузиб, дарахтларни кўпориб ташлади. Электр таъминотида узилишлар рўй берди. Самолётлар парвози эса ноқулай об-ҳаво сабабли қолдирилмоқда.

Ҳа, XXI асрда — ривожланган техника-технология, ғафаккур асрида яшаётган бўлишимизга қарамай табиат кучлари олдида одамзот барибир ожизлик қилмоқда.

Шахноза ҲАМИДОВА тайёрлади

5

— Кон раҳбарларининг тез-тез алмаштирилиши, бу соҳадан йироқ кишиларнинг директор этиб тайинланиши ишнинг орқага кетишига асосий сабаб бўлди, — дейди ўттиз саккиз йил пармаловчи бўлиб меҳнат қилган Ўроз бобо Ҳайдаров. — Бунинг оқибатида тарти

ҚАЛБЛАРДА ҒУРУР ВА ИФТИХОР

Халқимизнинг ўктам ўғлони Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатидаги юксак ғалабаси юртимизда катта тантана қилинмоқда. Қосимжоновлар хонадони бугун уларнинг яқинлари, маҳалладошлари, меҳмонлар билан гавжум. Улар жаҳон чемпионининг юртимизга қайтишини интиқлик билан кутяпти. Рустамнинг оламшумул ғалабасидан қувонган борки, уларнинг оила аъзоларини қутлашга ошиқмоқда. Жумладан, таҳририятимизга ҳам ҳамюртимизни табриклаш истагида дил сўзлари битилган мактубларнинг келиши, телефон қўнғироқлари бир зум бўлсин тинмаяпти. Қуйида ана шундай дил изҳорларидан айримларини эътиборларингизга ҳавола этаяпмиз.

Тўрабек Долимов, Ўзбекистон Миллий университети ректори, академик:

— Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлиши тарихий воқеа. Юртимизда каттаю-кичик азал-азалдан шоҳмот ўйнайди, бу ўйинни севади. Шатранж халқимиз тарихида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун бу оламшумул ғалаба ҳисобланади. Жаҳон чемпионатида ер курасининг манаман деган гроссмейстерларини бир ўйинда эмас, бирин-кетин кўп партияларда ютган Рустам Қосимжонов билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Рустам университетимизнинг компьютер технологиялари факультети магистратура бўлимининг иккинчи курсида таҳсил олади. Ливияда жаҳон чемпионати ўтаётган кунларда Рустамнинг ҳар бир учрашувини диққат билан кузатиб бордик. Университетимиз олимлари билан унинг партияларини интернет орқали қидириб топиб, таҳлил қилишга интилдик. Телевидение орқали намойиш этилган тайбрейкни ҳам ашаддий шоҳмот ишқибози бўлган домлалар билан биргаликда ҳаяжон билан кузатдик. У иқтидори ва маҳорати билан дунё шоҳмоти учун бебаҳо бойлик, хазина яратди. Рустам ўйнаган партияларни алоҳида китоб қилиб чиқариш зарур, деб ўйлайман. Чунки унинг ўйнаган партиялари ҳали кўпчилик учун сабоқ бўлади, шоҳмот шинавандалари таҳлил қилади, ўқиб-ўрганади.

Нуриддин ЁҚУБОВ, «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Қосимжоновлар оиласи маҳалламиздаги оддий хонадонлардан бирида яшайди. Унинг телевизор орқали намойиш этилган сўнгги партияларини маҳалладошлар билан зўр ҳаяжонда кузатиб ўтирдик. Мана, бир дақиқа қолди, мана 57 сония қолди, дея ўзгача бир энтикиш билан кўриб, ғалабага эришгач, уларнинг хонадонига шошилдик. Шоҳмот тожини қўлга киритиш осонлик билан амалга ошгани йўқ. Рустам бундай муваффақиятга эришиш учун аксарият тенгдошлари ширин уйқуда ётган кечаларда мижжа қоқмай ўз устида изланди, тинимсиз ўқиди, ўрганди. Халқимизнинг ғурур ва ифтихорига айланган ўзбек ўғлонининг маҳалламизда ўсиб вояга етганлигидан бошимиз осмонга етиб турибди.

Турғун ОРИПОВ, Қосимжоновнинг ён қўшниси:

— Бу оила билан ёнма-ён қўшни яшаймиз. Оила бошлиғи Меҳринисо опага ҳавас билан қарайман. У киши маданиятли ҳамда оқила аёл. Шу туфайли фарзандлари ҳам элимиз ҳавас қиладиган, ақлли бўлиб улғайишди. Кўриб турибсиз, шу хонадон ўғли ўзбек шоҳмоти тарихида биринчи бор жаҳон чемпиони, деган юксак унвон соҳиби бўлди. Рустам туфайли Ўзбекистон номи яна бир бор дунё майдонида шарафланмоқда. Она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Муаттар ҚОСИМЖОНОВА, аммаси:

— Рустамни болалигидан кўтариб катта қилганмиз. У бошқаларга ўхшамайди. Тиришқоқ, билимга чанқоқ болалардан. Шу томони раҳматли акамга тортган. Машруқ акам ҳам олим одам эди. Шоҳмот у кишининг жону-дили бўлган. Рустам мактабга бориб ўқиш ва ёзишни ўргангач, раҳматли дадаси жамлаган шоҳмот китоблари билан танишган. Оддий қилиб айтганда, унинг шоҳмотчи бўлиб улғайишида аввало раҳматли отаси сабабчи бўлганлар, десам янглишмайман. Ишонаманки, бугун ўғли эришган ғалабадан у кишининг руҳлари шод бўлиб турибди. Қолаверса, унинг машҳур шоҳмотчи бўлиб етишишида, албатта меҳрибон онасининг, акаси Хуршиднинг, устозларининг жуда катта ҳиссалари бор. Биз унинг ғалабасига ишонгандик, кутгандик. Мен шундай жияним борлигидан фахрланаман.

Эркин ХОЛБОБО оққа кўчирди.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

САВОЛ: Фуқаро муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкинми?

О.САЛОЕВ, Хоразм вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 30-моддасига асосан руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийи амалга оширади.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

САВОЛ: Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш қандай амалга оширилади?

А.БЕРДИЕВ, Қашқадарё вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасининг талабларига асосан ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилар ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Долзарб мавзу

САҚЛАНСАНГ — САҚЛАЙМАН

Яқинда ҳамкасбларимдан бири изтироб билан бир воқеани гапириб берди. Ҳамкишлоқ дўсти магистратурани тугаллаб, ўртоқлари билан дам олишга борган. Катта сув ҳавзаси бўйлаб қайиқда сузиб, чўмилишган. Ўша ердаги балиқчиларнинг огоҳлантиришига қарамасдан белгиланмаган жойда ўзини сувга ташлаб... қайтиб чиқмаган. Саросимага тушган ўртоқларининг уринишлари, кўмакка келган кузатувчиларнинг ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермагандан сўнг тегишли идораларга, оила аъзоларига хабар беришган. Мен ўйга толдим. Нимага шундай бўлди? Бу эҳтиётсизликми? Эътиборсизликми? Ёки мутасаддиларнинг ўз касбига совуққонлигими?

Мана шу воқеалар қалам олишга, сувда чўмилиш ва унинг оқибатларини ўрганишга ундади. Бевақт хазон бўлган тенгдошимнинг руҳи ҳам мендан шуни талаб қилаётганга ўхшарди...

Сувнинг хусусиятлари ҳақида кўп гапирилади. Ёзилади. Лекин у туфайли келиб чиқадиган оғир оқибатлар ҳақида атрофлича фикр юритишга кўп ҳам эътибор берилаб 21 кун давомида ўқув ва амалий машғулотлар ҳамда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда вазирлигимизда 200 га яқин ғоввос-қутқарувчи фаолият юритади. Уларнинг сони вилоятларда сув ҳавзаларининг камлиги ёки кўплигига қараб 6 тадан 21 тагача тақсимланган. Масалан, Хоразмда 19, Тошкент шаҳрида 15, Бухорода 12, Жиззахда эса 6 нафар ғоввос-қутқарувчи доимий фаолият юритади.

Аввалари ғоввос-қутқарувчи гуруҳларининг фақатгина командирлари қайта тайёрловдан ўтар эди. Жорий йилдан бошлаб эса барча қутқарувчилар ушбу машғулотларга жалб этилмоқда, уларга эгаллаган маҳоратларига қараб тоифа берилади. Маълумотларга қараганда, 2003 йил 1 январдан 2004 йил 1 январгача бўлган даврда республика бўйича одамларнинг чўкиши билан боғлиқ 231 та ҳолат қайд қилинган. 52 киши қутқарилган, 179 таси эса фожиа қурбони бўлган. Шу йил 1 январдан 1 июлгача 74 та бахтсиз ҳодиса рўй берган бўлса, воқеа иштирокчиларининг 65 нафарини қутқариб қолишнинг имкони бўлмади, 9 кишининг эса ҳаёти сақлаб қолинди.

ОРОМ ОРТИДАГИ ОҒРИҚ

Сувга тушган одамнинг тани яйрайди, ором олади. Лекин шу ҳузур ортида биз кутмаган кўнгилсизлик ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Сувнинг ифлосланиши натижасида келиб чиқадиган турли касалликлар мавжудки, ундан сақланиш учун авало нималарга эътибор беришимиз зарур? Бу ҳақида мутахассислар фикри қандай?

Инсоф билан айтганда, чўмилиш ҳавзалари ва бассейнлардаги сувларнинг ифлослиги ҳеч кимга сир эмас. Аслида санитария-гигиена қоидаларига кўра сув ҳафтада бир марта ўзгартирилиши керак, бирор-бир касаллик микроби аниқланганда эса, зудлик билан сув чиқариб ташланиб, ҳавза ёки бассейн тўлиқ тозаланиши шарт.

Пойтахтимиздаги фавворалардаги болаларнинг чўмилаётганига кўп бор гувоҳ бўламиз. Аслида эса бу мумкин эмас. Чунки унга тушаётган сув ҳеч қаердан чиқиб кетмайди. Бунинг устига, атрофдагилар турли чиқиндиларни ташлашади. Ҳатто катталарни сигарета қолдиғини шу сувга итқитишади. Натижада ҳовуздаги сувда айниш ҳодисаси юз беради. Табиийки, шу сув чўмилаётган боланинг оғзига киради ва у захарланади.

СУВ БАЛОСИДАН АСРАСИН...



ДОНИШМАНД ХАЛҚИМИЗ АЙТГАН БУ ҲИКМАТ ЗАМИРИДА: СУВ ЭҲТИЁТ БЎЛМАГАН КИШИНИ ҒАРҚ ҚИЛИШИ ЁХУД БЕЛГИЛАНМАГАН ҲАВЗАЛАРДА ЧЎМИЛИШ ТУРЛИ ХИЛ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЮҚТИРИШИ МУМКИНЛИГИ ИФОДА ЭТИЛГАН

Биз ушбу муаммоларнинг ечими юзасидан бир гуруҳ мутахассисларга мурожаат қилдик.

Боқижон МАТКАРИМОВ, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти бошлиғи ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Ҳар бир юқумли хасталикнинг ўзига хос мавсумийлиги бўлганидек, ўткир дияреяли касалликлар ҳам йил фаслларига қараб кўпайиши кузатилади. Масалан, ёзда ўткир дияреяли, шунингдек тез юқумли ва ошқозон-ичак касалликлари кенг тарқалади. Ҳар йили ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда барча вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида узлуксиз ишлайдиган штаблар ташкил этилади.

Шу кунларда ёш болалар ва катталар фавворалардa, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаларида чўмилиши натижасида ўткир дияреяли касалликларга чалиниши ва хасталикни бошқаларга юқтириш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бундан ташқари ушбу нохушлик қишлоқ жойларида одамларнинг сувни қайнатмай ичиши натижасида ҳам келиб чиқмоқда.

Мамлакатимиздаги кўпчилик болалар оромгоҳлари дарёлар бўйида жойлашгани. Ўз-ўзидан дам олувчилар оқар сувда чўмилишади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Маълумотларга қараганда, баъзи бир касалликлар билан оғриган беморлар сони озайган бўлса, бошқа турлари кўпайганлиги қайд этилган. Чунки ҳавонинг бирданига исиб кетиши натижасида одамларнинг сувга тушиб иссиқдан сақланиш ҳоллари кўпайган.

Саидмурод САИДАЛИЕВ, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказининг бўлим мудири:

— Номаъқбул жойларда чўмилиш қуйидаги касалликларни келтириб чиқаради: ичтерлама, паратиф, вирусли гепатит, дизинтерия...

Тошкент шаҳрида 100 дан ортиқ катта-кичик анҳор ва каналлар мавжуд. Қишда уларда сув тўхтатилиб, тозалаш ишлари олиб борилади. Биз шунда анҳорларнинг тубини бориб кўрдик. У ерда турли чиқиндилар, машиналарнинг эҳтиёт қисмлари ва шунга ўхшаш бир қанча кераксиз буюмлар топилган. Буларнинг ҳаммаси сувларимизнинг ифлосланишига ва касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Яна сувни ифлослантирувчи энг асосий омиллардан бири, дарё, канал ва ариқларнинг бўйларига турли хил ноқонуний бино ва иншоотлар қурилишидир. Ўзбошимчалик билан қад ростлаган бу қурилишларга ким рухсат берган? Биз шу йилнинг январь-февраль ойларида анҳор ва каналларнинг бўйида ноқонуний йўллар билан товуқхона, қўйхона ва ҳаммомлар қурилганига гувоҳ бўлдик. Буниси етмагандек, бу шоввозлар, чиқиндилар, ифлосланган оқова сувларини каналларга чиқарганлар. Сув тўхтаган пайтида эса бу яққол кўзга ташланиб қолди. Бу қилмишимиз билан биз ўзимиз ўтирган дарахт шохини кесибгина қолмасдан, ичадиган сувимиз, бизга ҳаёт бахш этадиган дарёларимизни булғамоқдамиз. Ноқонуний ишларнинг 600 га яқини аниқланган бўлса, уларнинг 300 дан ортиғи бартараф этилди. Қолган қисмига турли хил жазолар қўлламоқдамиз. Албатта, бу ишда аҳолининг кўмаги, жамоатчилик фаоллиги жуда зарур. Ахир бу сувдан биз бўлмасак, бизнинг яқинимиз, қўшнимиз, қариндошимиз фойдаланадику. Боболаримиз болалигида кулча оқизган, бемалол истеъмол қилган оқар сувларимизда бугун қўл ювишга ҳам кўрқасан киши...

ХУЛОСА ЎРНИДАГИ ҲИКМАТ

Бир ривоятда айтилишича, хавф-хатар: **«мендан узоқлаш, яқинимга йўлама»** деб хитоб қиларкан. Одамзотнинг феъли шундайки, нимаки тақиқланган бўлса, айнан шунга интилади. Биз мақоламизда ушбунинг исботини келтирдик. «Тилсиз ёв», «кўриниши мулойим, бағри тош», «ози ҳам бир бало, кўпи ҳам», «ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра» дея донишманд халқимиз бекорга айтмаган.

Қиссадан ҳисса шуки, шу кунларда долзарб мавзу бўлган чўмилиш, ундан келиб чиқадиган бахтсиз ҳодисалар, жисмимизга ёпишадиган касалликлардан сақланиш, энг аввало, ўзимизга боғлиқ. Шунингдек, сув ҳавзаларида қутқариш, кузатув ишларини янада жонлантириш, хавфли ҳудудларга махсус белгилар қўйиш, маст кишилар ёки ёш болаларнинг қайиқда сузишига рухсат бермаслик каби кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўлланмоғи керак.

Инсоннинг азиз умри ҳамиша эътибор марказимизда туриши, уни турли хавф-хатарлардан огоҳ этиш эса барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш буйича

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2004 йил 28 июнда ўтказилган танлов савдолари натижасига кўра, қуйидаги паст рентабелли корхона давлат активлари (акция пакети) ва паст ликвидли объектлар инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади:

1. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган **60-сон болалар боғчаси.**
Инвестиция миқдори — **1 (бир) йил** давомида **200 000,0 АҚШ доллари.**
2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе; 8-уй манзилида жойлашган **Собиқ 6-сон болалар стоматологик поликлиникаси.**
Инвестиция миқдори — **6 (олти) ой** давомида **13,040 млн. сўм.**
3. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Камтар Отабоев кўчаси, 74-уй манзилида жойлашган **«1-son Avtokombinati» ОАЖнинг 75,525% давлат улуши ва активлари (акция пакети).**
Инвестиция миқдори — **2 (икки) йил** давомида **192,5 млн. сўм.**
4. **«Саноатқурилишиндустрия» ОАЖ балансидаги Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жанубий саноат худуди (КПД-5 ёнида) жойлашган** қурилиши тугалланмаган «Монолит уй-жой қурилиш базаси».
Инвестиция миқдори — **2 (икки) йил** давомида **6150000,0 ЕВРО.**

Ҳикматли сўзлар маъноси

ОШ — КАТТАДАН, СУВ — КИЧИКДАН

Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, хоҳ оила даврасида бўлсин, хоҳ тўй-зиёфатларда бўлсин, дастурхонга ош ёки бошқа овқат олиб келиб қўйилса, уни ейишни энг биринчи бўлиб тўрда ўтирган қария ё бошқалардан ёши катта одам бошлаб беради, кичиклар одоб сақлаб ўтириб, ундан кейин ошга қўл узатадилар. Шунингдек, халқимизда меҳмондорчиликка кириб келганда ва овқатланиб бўлиб чиқиб кетаётганда меҳмонларнинг қўлига сув қуйиб туриш одати ҳам бор. Бу хизмат кичиклардан бўлади. Мазкур мақолни айтиш билан ёшларга шу тартиб, удум эслатилади ва унга амал қилишга даъват этилади.


ОШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСА, КЎЧАДА ИЧ

«Иши тўғри бўлган — ошини минбарда ер» («Минбарда ер» дейиш билан: «Ҳеч кимдан яширмай-нетмай, ҳамманинг кўз ўнгида ейаверади» дейилмоқчи); «Эр моли ҳалол бўлса, йўлда ер»; «Ҳалол ошга ит тегса ҳам — тегмагандай, эликса ҳам — эликмагандай» (Эликмоқ — ёпишмоқ, илакишмоқ, эргашиб юрмоқ); «Савдогарнинг моли бешубҳа бўлса, йўл устида ёяди»; «Чолвори бутун хоҳлаганча ўтира олади» (чолвор — шолвар — сидирға сатин, шойи, матодан тикиладиган почаси бўғиқ кенг лозим). Мазкур мақоллар билан: «Тўғри, ҳалол одам бўлсанг, бехавотир бўласан, ҳар бир кимдан чўчиб, ҳадиксираб юрмайсан», дейилмоқчи.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 862
7307 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 21.30
2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA